## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

## 36 «Енгилсаноатсервис» унитар корхонасини қайта ташкил этиш тўгрисида

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмадан самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек тугатилган «Ўзбектўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси худудида жойлашган корхоналар фаолияти учун қулай шартшароитлар яратиш билан боғлиқ харажатларни мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

- 1. Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 24 февралдаги 191-ф-сон фармойишига мувофик тегишли мухандислик-коммуникация объектлари «Енгилсаноатсервис» унитар корхонаси балансидан «Тошшахарэлектртармоклари» корхонаси ОАЖ, «SUVCOZ» давлат унитар корхонаси ва «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси балансига бепул асосда берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
- 2. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қумитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг «Енгилсаноатсервис» унитар корхонасини, унга Вазирлар Маҳкамасининг «Енгилсаноатсервис» унитар корхонасини ташкил этиш турисида» 2008 йил 25 февралдаги 32-сон қарори билан юкланган вазифалар тулиқ бажарилганлиги туфайли «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига бирлаштириш йули билан қайта ташкил этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.
- 3. Белгилаб қуйилсинки, «Узбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси қайта ташкил этилаётган «Енгилсаноатсервис» унитар корхонасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.
  - 4. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси:

тугатилган «Ўзбектўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида ташкил этилган корхоналар томонидан инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши;

тугатилган «Ўзбектўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси худуди-

даги давлат мулки объектларининг сақланиши, қуриқланиши ва худуднинг ободонлаштирилиши юзасидан мониторингни таъминласин.

- 5. Вазирлар Маҳкамасининг «Енгилсаноатсервис» унитар корхонасини ташкил этиш тӱ́грисида» 2008 йил 25 февралдаги 32-сон қарори ӱ́з кучини йӱ́қотган деб ҳисоблансин.
- 6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

## Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2011 йил 31 январь, 24-сон